

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАСИМОВА ГУЛНОРАХОН ЗУЛФИКАРОВНА

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМДА ЖИГАР ВА БУЙРАҚДАГИ
ОКСИДЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРГА ЭНДОТЕЛИЙ
ДИСФУНКЦИЯСИНИНГ ТАЪСИРИ ВА УНИ ТИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

03.00.01–Биокимё

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

УДК: 616-008.6+611-018.74:577.3:616.36+616.61-08

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Касимова Гулнорахон Зулфикаровна

Метаболик синдромда жигар ва буйракдаги оксидланиш

жараёнларга эндотелий дисфункциясининг таъсири

ва уни тиклаш йўллари..... 5

Касимова Гулнорахон Зулфикаровна

Влияние дисфункции эндотелия на окислительные

процессы в печени и почках при развитии метаболического

синдрома и пути их коррекции..... 24

Kasimova Gulnorakhon Zulfikarovna

Impact of endothele dysfunction to oxidative processes

in liver and kidneys under development of metabolic

syndrome and the ways of their correction

45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of pulished works 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАСИМОВА ГУЛНОРАХОН ЗУЛФИКАРОВНА

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМДА ЖИГАР ВА БУЙРАҚДАГИ
ОКСИДЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРГА ЭНДОТЕЛИЙ
ДИСФУНКЦИЯСИНИНГ ТАЪСИРИ ВА УНИ ТИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

03.00.01–Биокимё

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.1.PhD/Tib445 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Сабирова Рихси Абдукадировна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Арипов Абдумалик Нигматович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Саидов Саидамир Аброрович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг «_____» _____ 2018 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2. Тел/Факс: (+99871) 150-78-25. E-mail: tta2005@mail.ru Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино “Б” корпуси, 1 қават, 7 хона. Тел/Факс: (+99871) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Г.И. Шайхова
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж. Эрматов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.У. Кулманова
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра Европада 40 млндан 60 миллионгача инсонлар метаболик синдромга (МС) чалинган¹. Швеция ва Данияда МС ташхислашга янгича ёндашувларни қўллаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Унинг натижаларига кўра, глюкозага толерантлик бузилмаганда ҳам МС 10% аёл ва 15% эркакда аниқланган. Глюкозага толерантлик бузилишининг ривожланишида касалликнинг аниқланиши аёлларда 42%гача ва эркакларда 64%гача, қандли диабетда (ҚД) эса мос равишда 78% ва 84% га ортади². Муҳим эпидемиологик тенденциялардан бири—метаболик синдромли шахслар умумий сонининг тўхтовсиз ошиб боришидир. Шунга кўра, нишон органлари—юрак, қон-томирлар, буйрак шикастланиши тарқалганлигининг ошишидандир. Бу шикастланишлар ривожланишида гемодинамик бузилиш билан бирга метаболик ва гуморал омиллар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. МС ҳаёт тарзи ва генетик омиллар натижасида ривожланади. Бугунги кунда эпидемия сифатида эътироф этиладиган МСни келтириб чиқарадиган асосий сабаблардан бири - жисмоний фаолликнинг пасайиши ва юқори углеводли овқатланишидир. Ҳозирда метаболик бузилишнинг дастлабки сабаби ҳақида ягона тўхтамга келинмаган. Наслий инсулинрезистентлик ва ёғ босишига мойиллик жисмоний фаолликнинг пастлиги ва меъёридан кўп овқатланиш билан бирга МС ривожланиш ҳавфини белгилайди. Бунда тўқима инсулинрезистентлиги ва компенсаторли гиперинсулинемия (ГИ) глюкозага толерантлик бузилиши (ГТБ) ва МС шаклланишини ишга солувчи механизм ҳисобланади.

Жаҳонда метаболик синдромда жигар ва буйракдаги оксидланиш жараёнларига эндотелий дисфункциясининг таъсири ва уни тиклаш йўллари самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада метаболик синдром ривожланиш динамикасида азот оксидининг ўрни ва эндотелий фаолиятининг бузилиши, буйрак ва жигарда микросомал оксидланиш тизимининг фаоллиги, митохондрия ва микросома фаолиятининг бузилишида организмнинг оксидант, антиоксидант ва азот оксиди тизимининг ўрни ҳамда эндотелий фаолияти бузилишига хитозан турли шакллари таъсирининг самарадорлигини асолашдан иборат. Жигар ва буйракда микросомал оксидланиш тизими ва митохондрия ферментлари фаоллашувини меъёрлаштиришда хитозан хосилалари самарадорлигини тажрибаларда ўрганиш, метаболик синдромда жигар ва буйракдаги оксидланиш жараёнларига эндотелий дисфункциясининг таъсири ва уни тиклаш йўллари олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли орасида кенг тарқалган

1 Вербовой А.Ф., Барабанова Н.А. Фармакоэпидемиологический анализ терапии сахарного диабета 2-го типа в амбулаторной практике // Пробл.Эндокринол.-2009.-Т.55, №4.-С.3-5.

2 Igoma B., Almgren P., Tomi T et.al. Cardiovascular mortality and mortality associated with the metabolic syndrome // Diabetes Care.-2001.-vol 24.-P. 683-689.

касалликлар олдини олиш ва барвақт аниқлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда ташхислаш тизимининг ўрнини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, унинг дастлабки бўғинида эрта ташхислаш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни амалга ошириш....»³ касалликларни эрта ташхислаш ва кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди. Метаболик синдромда жигар ва буйракдаги оксидланиш жараёнларига эндотелий дисфункциясининг таъсири ва уни тиклаш йўллари ташхислашда инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий даволаш усулларни ишлаб чиқиш ва бажариш бугунги кунда ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Метаболик синдромда юрак қон-томир касалликлари ривожланиш ва тараққий этиш хавфи омиллари қаторидаги ортиқча ёғ босиш, углеводларга толерантликнинг бузилиши, дислипидемия, яллиғланиш олди ва протомботик ҳолатлар (Бутрова С.А., 2001; Гинзбург М.М., Крюков Н.Н., 2002; Узбекова Н.Р. ва бошқа., 2013; Landsberg L., 1999) жиддий юрак қон-томир асоратлари хавфи ривожланиш эҳтимолини соғлом кишиларга қараганда 2-4 мартага оширади (Чазова И.Е., Мичка В.Б., 2002; Zang S.L., Chen X., Hsieh T.J. et al., 2002). Бугунги кунда юрак қон-томир тизими турли касалликларининг патогенезида эндотелийнинг аҳамияти ва унинг функционал ҳолатига фармакологик ҳамда дори воситаларисиз таъсир этишни ўрганиш кўплаб тадқиқотларнинг предмети ҳисобланади ва маълум маънода назарий ва амалий қизиқишни акс эттиради. Микросомал фермент тизим эндоген ва экзоген субстратлар метаболизмида муҳим ўрин эгаллайди ва унинг функционал ҳолати тўлиқ

³ 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

эндоплазматик ретикулумнинг мембрана структураси бутунлигига боғлиқ. Оқилона парҳезли даволаш патологик жараён натижасида бузилган метаболизмнинг асосий бўғимларини коррекциялаш, моддалар алмашинуви бузилишининг олдини олишда самарага эришишга имкон беради.

Бугунги кунда мамалакатимизда метаболик синдром натижасида юзага келадиган ўзгаришларнинг патофизиологик механизмларни ўрганиш модели яратилган (С.А.Саидов, 2006); метаболик синдромли касалларни даволаш тизими яратилган (Н.Р.Узбекова, 2017). МСнинг клиник-биокимёвий хусусиятлари етарлича тўлиқ ўрганилган, бироқ ҳалигача органлар ва тизимлар аро алоқанинг бузилиш механизмлари аниқланмаган, ушбу ҳолат ривожланиши натижасида жигар ва буйракнинг микросомал ва митохондриялар оксидловчи тизими ўзгаришлари аҳамияти, бу жараёнларга эндотелий фаолияти бузилишининг таъсири белгиланмаган, даволашнинг самарали усуллари аниқламаган.

Бу ечилмаган масалалар илмий тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди. Илмий-тиббий хужжатлар таҳлили, мавжуд адабиётларда метаболик синдромда жигар ва митохондрияларда оксидловчи жараёнларга эндотелий фаолияти бузилишининг таъсири, ЛПО жараёнлари интенсификацияси, АОТ ферментлари, интерлейкинлар, нитроергик тизимлар фаоллиги ҳақида яқуний маълумотлар йўқлигини тасдиқлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон Давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот режасига мувофиқ «Метаболик синдром ривожланишида буйрак ва жигарда эндотелий фаолияти бузилишининг оксидланиш жараёнларига таъсири ва уларни коррекциялаш йўллари» (2011-2016 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Экспериментда метаболик синдром ривожланишида жигар, буйраклар ва эндотелийда оксидланиш жараёнлари бузилишининг молекуляр механизмларини ва хитозан сульфат ва унинг нано шакли билан коррекциялаш имкониятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

метаболик синдром ривожланиш динамикасида азот оксидининг ўрни ва эндотелий фаолияти бузилишини ўрганиш;

метаболик синдром ривожланишида буйрак ва жигарда МОТ фаоллигини баҳолаш;

метаболик синдром ривожланишида митохондрия ва микросома функциялари бузилишида организмнинг оксидант, антиоксидант ва NO тизими ролини ўрганиш;

МС ривожланишида эндотелий фаолияти бузилишига хитозан турли шакллари билан самарадорлик таъсирини ўрганиш;

жигар ва буйракда МОТ ва митохондрия ферментлари фаоллашувини меъёрлаштиришда хитозан маҳсулотлари самарадорлигини тажрибаларда ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти шиншилла зотидаги 60 та қуён.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қон, қон зардоби, жигар ва буйрак микросома ва митохондрияси олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун биокимёвий, иммунфермент ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Илк марта МС ривожланишида эндотелий дисфункцияси бузилишининг ўрни белгиланди, эндотелий фаолияти бузилишига хитозан турли шакллариининг коррекцияловчи таъсири кўрсатилди, қон-томирлар дисфункцияси бузилишини тиклашда хитозан сульфат ва хитозан сульфатнинг нано шакллари глюкофажга нисбатан самарадорлиги асосланди.

Метаболик синдром ривожланишида жигар ва буйракда оксидловчи жараёнлар бузилишининг патогенетик механизмлари белгиланди. Олинган натижалар асосида аниқланган бузилишларни хитозаннинг турли шакллари билан коррекциялаш усуллари ишлаб чиқилди.

Илк маротаба метаболик синдром ривожланишида жигар ва буйракда митохондриял ва микросомал оксидланиш бузилишининг аҳамияти белгиланди. Ўз навбатида, метаболик синдром ривожланишида бу тизимлар бузилиши тўғридан-тўғри оксидант, антиоксидант ва NO тизимларнинг дисфункционал ҳолатига боғлиқ.

Илк маротаба метаболик синдром ривожланишида жигар ва буйракда МОТ ва митохондриял оксидланишга хитозан ҳосилаларининг коррекцияловчи таъсири тажрибаларда ўрганилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

метаболик синдром ривожланишининг биокимёвий механизмлари асосланган;

метаболик синдром ривожланишида жигар ва буйракда митохондриял ва микросомал оксидланишнинг бузилиши исботланган;

оксидант, антиоксидант ва NO тизимлар бузилиш механизмлари тажриба ҳайвонларида ўрганилган;

метаболик синдром ривожланишига хитозан ҳосилаларининг коррекцияловчи таъсири ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ўтказилган тажрибалар сонининг етарлилиги, биокимёвий, иммунфермент ва статистик таҳлил усуллари асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, метаболик синдромда жигар ва буйракдаги оксидланиш жараёнларига эндотелий дисфункциясининг таъсири ва уни тиклаш йўллариининг самарадорлигини баҳолашда тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти метаболик синдром патогенези

механизмлари ҳақидаги тушунчаларни кенгайтириш, эндотелий функциясини бузилиши, микросомал-митохондриал оксидланиш, антиоксидант тизимлар, липидларнинг перекисли оксидланиши ҳамда азот оксиди тизими бузилишларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эндотелий функциясини бузилиши, жигар ва буйракда оксидловчи жараёнлар бузилишини коррекциялашда хитозаннинг нано шаклини қўллаш даволашни 4-5 кунга қисқартиради, иқтисодий сарф-харажатларни камайтиради ва касалликларни даволаш натижасида юзага келадиган асоратлар ривожланишининг олдини олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Метаболик синдромда жигар ва буйракдаги оксидланиш жараёнларига эндотелий дисфункциясининг таъсири ва уни тиклаш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Метаболик синдромда эндотелий фаолияти бузилишини коррекциялашда хитозан сульфат» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 14 ноябрдаги 8н/176-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма метаболик синдромни хитозан сульфат билан даволаш ва профилактика чора-тадбирларини белгилашга имкон берган;

Метаболик синдромда жигар ва буйракдаги оксидланиш жараёнларига эндотелий дисфункциясининг таъсири ва уни тиклаш йўллари самарадорлиги ва олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент фармацевтика институти ва Тошкент тиббиёт академияси олий ўқув юртлариаро илмий-тадқиқот лабораториясига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 мартдаги 8н-д/27-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши беморларга фундаментал текширув натижаларини жорий этиш метаболик синдромни эрта ташхислашга ёрдам берган, касалликни даволаш ва прогнозлашни, беморлар ҳаётини яхшилаб, асоратлар сонини пасайтирган ва беморларнинг узок вақт даволанишларини 15%га қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Метаболик синдромда жигар ва буйракдаги оксидланиш жараёнларига эндотелий дисфункциясининг таъсири ва уни тиклаш йўллари**ни замонавий тамойиллари» деб номланган биринчи бобда тиббиёт муаммоларининг назарий жиҳатлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган ва метаболик синдромни ривожлантириш механизмлари хусусиятлари ва уни даволаш тамойиллари ёритилган тадқиқотлар системалаштирилган, бу муаммонинг ечилмаган ва аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг **«Метаболик синдромда жигар ва буйракдаги оксидланиш жараёнларига эндотелий дисфункциясининг таъсири ва уни тиклаш йўллари**ни материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобда тадқиқотда қўлланган материаллар ва усуллар, тажриба материалларининг умумий тавсифи батафсил ёритиб берилган.

Тажриба материали тавсифи. Тажрибалар 60 та эркак қуёнда олиб борилган, уларнинг ҳар бири 2050-3400 г тана вазнига эга бўлиб, тадқиқот мақсади ва даволаш усулидан келиб чиқиб 5 та гуруҳга бўлинган (ҳар бир гуруҳда 12 тадан қуён): 1-гуруҳ (назорат) – интакт қуёнлар; 2-гуруҳ – метаболик синдром моделлаштирилган ҳайвонлар; 3-гуруҳ – метаболик синдромни хитозан сульфат билан коррекциялаш; 4-гуруҳ – метаболик синдромни хитозан сульфатнинг нано шакли билан коррекциялаш; 5-гуруҳ (таққослаш гуруҳи) – метаболик синдромни глюкофаж билан коррекциялаш.

Қуёнларда метаболик синдром С.А.Саидов усули (2006) бўйича чиқарилган. Бунинг учун ҳайвонлар сув идишига 5%ли шакар эритмаси қўшилди, емишига эса ҳар куни тана вазнига кўра 250 мг/кг миқдорда холестерин кристаллари аралаштирилди. Бир вақтнинг ўзида қуёнларга кун ора тери остига 0,1 бирлик/100 г дозада инсулин юборилди. Тажриба давомийлиги 2 ойни ташкил этди. Хитозан сульфат ва унинг нано шакллари метаболик синдром ривожлангандан кейин 20 кун давомида 25 мг/кг дан оғиздан юборилди. Глюкофаж йўриқнома бўйича тана вазнидан келиб чиқиб 7,14 мг/кгдан юборилди.

Қондаги глюкоза ва С-пептид миқдорини «Randox» (Буюк Британия) фирмасининг Daytona биокимёвий анализаторида махсус тўплам ва дастурлардан фойдаланиб аниқладик.

Қон зардобидида умумий холестерин миқдори Ильк усули (1982) бўйича аниқланди.

Қон зардобида цитокинлар миқдори АДТИ ИТЛМда «Stat-Fax» (АҚШ) фирмасининг анализаторида, ООО «Цитокин» (Санкт-Петербург) фирмасининг тест-систем тўпламидан фойдаланиб иммунфермент таҳлил усулида текширилди, уларнинг миқдори пг/млда кўрсатилди.

Қон зардобида эндотелий дисфункцияси кўрсаткичлари иммунфермент усули билан АТ858 (Хитой) иммунфермент анализаторида аниқланди.

Жигар ва буйракнинг митохондриял ва микросомал фракцияларини рефрижераторли ультрацентрифуга VAC-601да (Германия) дифференциал центрифугирлаш билан ажратилди. Бунинг учун тажриба ҳайвонлари эфир маскали наркоз остида $0^{\circ}-4^{\circ}\text{C}$ ҳароратли совуқ хонада декапитация қилинди.

Жигар ва буйракда МОН ферментлари фаоллигини аниқлаш: микросомал суспензияда цитохром P-450 миқдори UV-2100 LTD Хитой спектрофотометрида Т.Оmura, R.Sato (1968) усули бўйича аниқланди. Жигар ва буйракда митохондриял ферментлар фаоллигини аниқлаш: цитохромоксидаза (ЦХО) – полярографик усул билан LP-7 полярографда, Кларкнинг ёпиқ платинали электрод тури билан, сукцинатдегидрогеназа (СДГ), сукцинат-цитохрома С-редуктаза (СЦС-ред.), ротенонга сезувчан бўлмаган НАДН-цитохром С-редуктаза (РСБ-цит.С-ред.) ва моноаминооксидазалар (МАО) спектрофотометрик усул билан СФ-46 да (Chance B., Williams C.R., 1955) аниқланди.

Жигар ва буйрак гомогенатида малондиалдегиди миқдорини (МДА) Л.И. Андреева ва бошқалар (1989) усули бўйича аниқладик. АОН ҳолати унинг асосий ферментлари – каталаза, супероксиддисмутазалар (СОД) фаоллигига кўра баҳоланди.

Каталаза фаоллигини М.А.Коралюк ва бошқалар усулига кўра аниқладик (1988). СОД фаоллигини ишқорий муҳитда нитротетразол кўкнинг тикланиш фоизига кўра аниқладик ва шартли оксилнинг дақ/мг га бўлган ШБда кўрсатдик (Мхитарян В.Г., Бадальян Г.Е., 1978).

Жигар ва буйрак гомогенатида NO тизим ҳолатини NO (NO_2^- и NO_3^-) барқарор метаболитлар миқдори, азот оксиди синтазалари фаоллиги ва пероксинитрит (ONO_2^-) миқдорига кўра баҳоладик.

NO миқдорини нитрит ва нитрат метаболитлари миқдорига кўра (NO_2^- ва NO_3^-) П.П.Голиков ва бошқалар (2000) усули бўйича белгиладик.

Пероксинитрит (ONO_2^-) миқдорини $\text{ONOO}^- + \text{NH}_2\text{O}^- \xrightarrow{\text{Cu}^{2+}} \text{NO}_2^- + \text{NO} + \text{H}_2\text{O}$ реакциясида гидроксилламин (NH_2O^-) билан оксидлашдан ҳосил бўладиган пероксинитритга кўра N.W.Кооу ва бошқалар усули бўйича (1995), Р.К. Азимов, А.С. Комарин (2005) модификациясида аниқладик.

Натижаларни статистик қайта ишлаш, рақамли материаллар шахсий компьютерда статистик таҳлил учун амалий дастурларни қўллаб статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг «**Метаболик синдром ривожланишида эндотелий ва жигар, буйраклардаги оксидланиш жараёнларининг ҳолати**» деб номланган учинчи бобида метаболик синдром ривожланиш динамикасида жигар ва буйракда микросомал ва митохондриял оксидланиш, эндотелий

функцияси бузилиши, цитокинлар, нитроергик тизимлар ўзгариши кўриб чиқилди.

Метаболик синдром ривожланиш динамикасида қон зардобдаги цитокинлар миқдорини текшириш натижалари зардобда ФНО- α миқдори тадқиқотнинг 20-, 40- ва 60-кунларида интакт гуруҳи билан таққослаганда 2,6; 3,0 ва 2,7 мартага ишончли даражада ошганлигини кўрсатди. Унинг миқдорининг кўпроқ ошиши тадқиқотнинг 40-кунига тўғри келади.

IL-1 ва IL-6 ни текшириш унинг миқдори тадқиқотнинг барча муддатларида динамик ошганини кўрсатди. Тадқиқотнинг 20-, 40- ва 60-кунларида IL -1 миқдори интакт гуруҳи кўрсаткичлари билан таққослаганда 1,9; 2,0 ва 2,4 мартага ошган. Тадқиқотнинг 20-, 40- ва 60- кунларида IL -6 ҳам интакт гуруҳи кўрсаткичлари билан таққослаганда 1,7; 1,9 ва 2,4 мартага ошган.

Шундай қилиб, метаболик синдромли қуёнлар қон зардобда яллиғланиш олд цитокинларининг, айниқса ФНО- α нинг 40-кунда, IL-1 ва IL-6 тажрибанинг 60-кунида экспрессияси аниқланди.

Тадқиқотнинг 40-кунида интакт гуруҳ билан таққослаганда азот оксидининг 20,4%га ишончли ошгани белгиланди. Тадқиқотнинг 60-кунида азот оксидининг интакт гуруҳ билан таққослаганда 40,8%га пасайиши юз берди.

Тадқиқот натижалари метаболик синдромда қон зардобда eNOS ва iNOS фаоллашувининг турли йўналишларда ўзгаришини кўрсатди. eNOS фаоллашуви тадқиқотнинг барча муддатларида интакт жониворлар билан таққослаганда ишончли пасайган. Агар ушбу фермент фаоллашуви тажрибанинг 20- ва 40-кунида 19,3 ва 20,8%га пасайган бўлса, тадқиқотнинг 60-кунида олдинги кўрсаткичлар билан таққослаганда унинг фаоллашуви пасайди ва интакт жонзотлар билан таққослаганда 30,5%ни ташкил этади.

Тажрибанинг 20- ва 40- кунида iNOS фаоллашуви интакт жонзотлар билан таққослаганда 7,5 ва 8,0 мартага ишончли ошади. Бироқ тадқиқотнинг 60-кунида ушбу ферментнинг фаоллашуви интакт жонзотлар билан таққослаганда – 8,7 мартага, $P < 0,05$, олдинги текширувларга таққослаганда мос равишда 15,1 ва 8,8% ошган.


Метаболик синдром ривожланиш динамикасида интакт жонзотлар билан таққослаганда ONO_2^- нинг ошгани аниқланди. Тадқиқотнинг 20-, 40- ва 60-кунида пероксинитрит миқдори интакт жониворлар билан таққослаганда 2,5; 2,8 ва 3,6 мартага ошган. Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, ONO_2^- нинг кўпроқ ошиши тадқиқотнинг 60-кунига тўғри келади.

Шундай қилиб, NO тизим фаолияти бузилишида eNOS ва iNOS ферментлар фаоллашувидаги дисбаланс муҳим омил ҳисобланади, бунинг натижасида қонда ONOO^- юқори миқдори кузатилади.

Шундай экан, олинган натижаларни яқунлаб айтиш мумкинки, метаболик синдромда яллиғланиш олд цитокинлари фаоллашуви кузатилади ва организмда пероксинитрит синтезини келтириб чиқаради.

Тадқиқотнинг 20-, 40- ва 60- кунларида Виллебранд омили миқдори интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 50,8; 64,5 ва 75,2% ($P < 0,05$) ошган.

Кўрсатилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, ушбу омил миқдорининг бир мунча аниқ ошиши тадқиқотнинг 60-кунига тўғри келади, зеро унинг миқдори 20- ва 40-кунлар билан таққосланганда 16,2 ва 6,5% га ишончли даражада юқори (1-расм).



1-расм. Метаболик синдром ривожланиш динамикасида қонда эндотелий дисфункцияси кўрсаткичларининг ўзгариши

Тадқиқот натижалари метаболик синдром ривожланиш динамикасида қонда ГЦ миқдори ошишини кўрсатди. Таҷрибанинг 20-, 40- ва 60-кунда интакт ҳайвонлар билан таққослаганда ГЦ 2,8; 3 ва 3,4 марта ошиши белгиланди. Бундан келиб чиқадики, ГЦнинг энг кўп ошиши таҷрибанинг 60-кунига тўғри келади. Тадқиқотнинг бу муддатида ГЦ миқдори 40-кун билан таққослаганда 9,6%га ошган ($P < 0,05$).

Юқорида келтирилганлар, метаболик синдром ривожланиш динамикасида қон зардобидида эндотелин-1 миқдорини ўрганишга қизиқиш уйғотди. Эндотелин-1 миқдори тадқиқотнинг барча муддатларида ошади, айниқса таҷрибанинг 60-кунда унинг кўпроқ ошиши кузатилди. Тадқиқотнинг бу муддатида унинг миқдори интакт ҳайвонлар билан таққослаганда 2,1 мартага ошган ($P < 0,05$).

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижаси метаболик синдром ривожланиш динамикасида эндотелий фаолияти бузилишини кўрсатди, бу кўрсаткичларнинг энг кўп ўзгариши таҷрибанинг 60 кунда аниқланди.

Микросомал оксидланишни ўрганиш натижалари метаболик синдромли қуёнлар жигари микросомасида P-450 ва b₅ цитохромлар миқдори 28,6 ва 17,2%га пасайганлигини, кўпроқ ўзгариш цитохром P-450 миқдорида аниқланди. Жигар микросомал ферментларининг фаоллиги меъёрдан НАДФН-цитохром C-редуктазада – 2,5 марта, амидопирин-N-деметилазада 1,9 марта, анилингидроксилазада 2 марта сезиларли даражада пасайди.

Демак, метаболик синдромда жигарда микросомал оксидланишнинг сезиларли бузиши P-450, b₅ цитохромлар миқдорининг пасайишида акс этади.

Метаболитик синдромли куёнлар жигарида митохондриял ферментлар фаоллашувини ўрганиш моноаминоксидазлар (MAO) ва цитохромоксидазаларнинг (ЦХО) назоратдаги жонзотлар кўрсаткичларига нисбатан – 67,8 ва 58%га мувофиқ фаоллашувини кўрсатди. МСдаги бошқа ўрганилган ферментлар фаоллиги анча камайган, СДГ фаоллиги меъёрдан 32,9%га пасайган. Интакт жонзотлар билан таққослаганда сукцинат-цитохром С-редуктаза фаоллиги 1,7 мартага пасайиши билан белгиланди. Бироқ, энг кўп пасайиш ротенонга сезувчан бўлмаган НАДН-цитохром С-редуктаза фаоллашувида – меъёрдан 1,8 мартага пасайиш билан қайд этилди.

Шундай қилиб, МСда жигарда микросомал ва митохондриял оксидланишда P-450, b₅ цитохромлари миқдорининг пасайиши ва фаоллашуви назорат кўрсаткичидан 1,6-1,7 марта юқори бўлган цитохромоксидаза ва моноаминоксидазадан ташқари микросомал ва митохондриял ферментлар фаоллашуви билан характерланади.

МСда буйракда микросомал оксидланишни ўрганиш P-450 ва b₅ цитохромлар миқдори интакт гуруҳ кўрсаткичларига мос равишда 1,6 ва 1,9 марта пасайганини кўрсатди. Кўпроқ пасайиш НАДФН-цитохрома С-редуктаза, амидопирин-N-деметилаза, анилингидроксилаза фаоллашувида кўрсаткичлар назоратдагидан 2,6; 2,4; 2,4 марта пастлиги билан белгиланди.

Метаболитик синдромда куёнлар буйрагида митохондриял ферментлар фаоллигини тадқиқ қилиш текширилаётган ферментларнинг сезиларли фаоллашувини кўрсатди. Масалан, моноаминоксидаза, сукцинатдегидрогеназа, сукцинат-цитохром С-редуктаза ва РСБ НАДН-цитохром С-редуктаза фаоллиги 66,4; 78,3; 84,2 ва 67,3%га мос равишда ошди, бу интакт ҳайвонлар кўрсаткичларидан 1,6-1,7 мартага юқори эди. Айниқса, цитохромоксидаза кучли фаоллашди. Унинг фаоллиги меъёрдан 85,9%га, яъни 1,8 мартага юқори бўлди.

Шундай қилиб, МСда буйракда барча митохондриял ферментлар фаоллиги соғлом ҳайвонлар кўрсаткичларидан юқори бўлди, бу айниқса сукцинат-цитохром С-редуктаза ва цитохромоксидаза фаоллашуви билан белгиланди.

МСда жигарнинг NO тизимини тадқиқ қилиш натижалари азот оксиди миқдорини интакт ҳайвонлар кўрсаткичларидан 2,8 мартага ошганини кўрсатди. eNOS фаоллиги 37,95%га, яъни 1,6 марта пасайган, NO-синтазанинг индуцибелли шакли меъёрдан 3,8 марта фаоллашди, бу эҳтимол, унинг экспрессиясига боғлиқ бўлса керак. iNOS экспрессиясида ишлаб чиқарилган ошган миқдорли NO юқори токсик бирикма – ONO₂⁻ ҳосил бўлишига олиб келади, унинг миқдори МСли ҳайвонларда меъёрдан 4 мартага юқори бўлган.

Ўхшаш бузилишларни буйракнинг NO-tizимида аниқладик. Уларнинг фарқи, ўрганилаётган компонентлар миқдори бузилиши (NO дан ташқари) янада кўпроқ бўлган. Масалан, NO миқдори 2,5 мартага ошган. МСли ҳайвонларда eNOS фаоллашуви интакт куёнларга нисбатан 2 мартага паст

бўлган. iNOS нинг 15 мартадан кўпроқ фаоллашуви пероксинитрит миқдорининг сезиларли ошишига олиб келди. МСли жониворлар буйрагида ONO_2^- миқдори меъёрдан 16 мартага ошди.

Шундай қилиб, МСда ҳайвонлар жигар ва буйрагида NO тизим ҳолати бузилади: азот оксиди ва пероксинитрит миқдори ошади, eNOS ва iNOS фаоллиги турли йўналишларда ўзгаради.

МСда жигарда липидларнинг перекисли оксидланиш жараёни кучайиши белгиланди. Масалан, МДА миқдори меъёрдан 67,7% га ошди, СОД ва каталаза миқдори эса назоратдагидан 1,8 ва 1,7 марта паст эди. Буйракнинг оксидант-антиоксидант тизими (жигарга қараганда) МДА миқдорининг 2 мартага кўпроқ ошганини ва тахминан СОД ва КТ фаоллигининг 1,75 ва 1,9 марта муқобил равишда пасайишини кўрсатди.

Демак, тажрибавий метаболик синдромда ҳайвонлар жигари ва буйрагида антиперекисли ҳимоя пасайишида ЛПО жараёнлари жадаллашади.

Диссертациянинг «**Метаболик синдром ривожланишига хитозан турли шакллари**нинг таъсири» деб номланган тўртинчи бобида тажрибавий МСни хитозаннинг турли шакллари билан даволаш натижалари келтирилган. Қиёслаш дори воситаси глюкофаж ФНО- α миқдорини метаболик синдромли ҳайвонлар билан таққослаганда 26,5%га пасайтиради. Шу билан бир вақтда хитозан сульфат унинг миқдорини 33,7%га, яъни глюкофаж билан таққослаганда 9,7% ($<0,05$)га кўпроқ пасайтиради. Глюкофаж ва хитозан сульфат билан таққослаганда ФНО- α нинг янада яққолроқ пасайиши хитозан сульфатнинг нано шакллари билан даволашда юз беради. Хитозан сульфатнинг нано шакли ФНО- α концентрациясини даволанмаган гуруҳ билан таққослаганда 45,8%га пасайтиради. Хитозан сульфатнинг нано шакли глюкофаж ва хитозан сульфат билан таққослаганда ФНО- α миқдорини 26,2 ва 18,3% га кўпроқ пасайтиради.

Глюкофаж билан даволашда IL-1 ва IL-6 миқдори даволанмаган гуруҳ билан таққослаганда 27 ва 35,0%га ишончли даражада пасайди. Хитозан сульфат ушбу цитокинлар миқдорини даволанмаган гуруҳ билан таққосланганда 24,4 ва 21,5%га пасайтиради.

IL-1 миқдори хитозан сульфат таъсирида глюкофаж билан таққослаганда 14,7%га ишончли пасаяди. IL-1 ва IL-6 миқдорининг кўпроқ ишончли пасайиши хитозан сульфатнинг нано шакллари билан даволашда аниқланди. Хитозаннинг ушбу шакли цитокинлар миқдорини даволанмаган гуруҳ билан таққослаганда 39,3 ва 33%га мос равишда ишончли даражада пасайтиради. Хитозан сульфатнинг наношакли хитозан сульфат билан таққослаганда 19,7 ва 14,7% га мос равишда IL-1 ва IL-6 миқдорини пасайтиради.

Шундай экан, цитокинлар миқдorigа хитозаннинг турли шакллари таъсирини ўрганиш натижалари хитозан сульфатнинг нано шакли хитозан сульфат ва глюкофажга нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатади.

Тажриба ҳайвонларини глюкофаж ва хитозан сульфат билан даволаш азот оксиди таркибини ишончли ўзгартирмайди. Шу билан бир вақтда хитозан сульфатнинг нано шакли билан даволаш азот оксиди миқдорини глюкофаж ва

хитозан сульфат билан даволанган гуруҳлар билан таққослаганда 24,4 ва 18,8%га мос равишда оширади.

Метаболик синдромли тажриба ҳайвонларини глюкофаж билан ҳам, хитозан сульфат билан ҳам даволаш eNOS фаоллигини ўзгартирмайди. Хитозан сульфатнинг нано шакли eNOS синтезини оширади, ушбу фермент фаоллашуви глюкофаж ва хитозан сульфат билан даволанган гуруҳдагилар билан таққослаганда 25,6 ва 18,1%га ошган.

Метаболик синдромли ҳайвонларда глюкофаж ва хитозан сульфат ва унинг нано шакли билан даволашда iNOS фаоллиги даволанмаган гуруҳ билан таққослаганда 23,9; 35,2 ва 60,4%га мос равишда пасаяди. Келтирилган маълумотлар хитозан сульфат нано шаклининг iNOS фаоллигига кўпроқ ингибирловчи таъсирини кўрсатди. iNOSнинг юқори фаоллигини сақлаб қолиши ONO_2^- миқдорида акс этади. Глюкофаж билан даволашда пероксинитритлар миқдори даволанмаган гуруҳ билан таққослаганда 13,1%га ишончли пасаяди, хитозан сульфат билан даволаганда эса унинг миқдори пасайиши 35,5% ($P < 0,05$)ни ташкил этди, яъни хитозан сульфат глюкофаж билан таққослаганда пероксинитритлар миқдорини 25,8%га пасайтиради. Хитозан сульфатнинг нано шакли ONO_2^- миқдорини даволанмаган гуруҳ билан таққослаганда 1,7 марта пасайтириши белгиланди. Шу билан бир вақтда, глюкофаж ва хитозан сульфат билан таққослаганда хитозан сульфатнинг нано шакли ONO_2^- миқдорини 33,7 ва 10,7%га мос равишда пасайтиради ($P < 0,05$).

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот натижалари метаболик синдромда NO тизимда eNOSнинг сезиларли пасайиши ва iNOS гиперактивизацияси натижасида қонда ONO_2^- юқори миқдорига боғлиқ дисбаланс ривожланади. Хитозаннинг турли шакллари билан даволаш ўтказилганига қарамай, азот оксид тизимида дисбаланс сақланиб қолди. Хитозан сульфат нано шаклининг iNOS экспрессиясини секинлаштириши, пероксинитритнинг юқори миқдорини пасайтириши, eNOSни фаоллаштириши азот оксиди якуний маҳсулотлари паст миқдорини бошланғич кўрсаткичлар билан таққослаганда ошишига олиб келади.

Метаболик синдромли ҳайвонлар қонида эндотелий фаолияти бузилишини хитозаннинг турли шакллари билан даволашдаги кўрсаткичларини тадқиқ қилиш натижалари Виллебранд омилининг глюкофаж таъсирида пасаймаслигини кўрсатди. Глюкофаж ушбу омил миқдорини даволанмаган гуруҳ билан таққослаганда ўртача 11,4%га пасайтиради ($P < 0,05$). Хитозан сульфат билан даволаш ушбу омил миқдорини даволанмаган ва глюкофаж билан даволанган гуруҳлар билан таққослаганда 21,7 ва 11,6% ($P < 0,05$)га пасайтиради. Хитозан сульфатнинг нано шакли Виллебранд омили миқдорини даволанмаган гуруҳ билан таққослаганда 30,1%га, глюкофаж ва хитозан билан даволанган гуруҳга нисбатан эса 21,1 ва 10,7%га мос равишда пасайтиради. Бу маълумотлар хитозан сульфатнинг нано шакли глюкофаж ва хитозан сульфатга нисбатан коррекцияловчи таъсирини кўрсатади.

Гипергомоцистеинемия эндотелий функцияси бузилишини кўрсатувчи белги ҳисобланади. Таққослаш дори воситаси глюкофаж билан даволаш ГЦ миқдорини даволанмаган гуруҳ билан таққослаганда 28,4%га пасайтиради. Глюкофаж билан таққослаганда хитозан сульфат ГЦ миқдорига самаралироқ таъсир кўрсатади. Демак, хитозан сульфат билан даволашда ГЦ миқдори даволанмаган ва глюкофаж билан даволанган гуруҳлар билан таққослаганда 34,3 ва 8,3%га ишончли пасаяди. Энг кўп пасайтирувчи таъсир хитозан сульфатнинг наношакли билан даволашда аниқланди. Унинг таъсирида ГЦ миқдори даволанмаган, глюкофаж ва хитозан сульфат билан даволанганлар билан таққослаганда 49,5; 29,5 ва 23,2%га ишончли пасаяди ($P<0,05$).

Ўтказилган тажрибаларда метаболик синдромли қуёнларда эндотелин-1 интакт гуруҳи билан таққослаганда 2,0 марта ошгани белгиланди. Глюкофаж ва хитозан сульфат билан даволашда эндотелин-1 миқдорининг даволанмаган гуруҳ билан таққослаганда пасайишида ишончли ўзгаришлар аниқланмади.

Шу билан бир вақтда, хитозан сульфатнинг нано шакли унинг миқдорини даволанмаган, глюкофаж ва хитозан сульфат билан даволанганлар билан таққослаганда 28,5; 22,0 ва 21,8%га ишончли пасайтиради ($P<0,05$).

1-жадвал

Метаболик синдромли қуёнлар жигарида микросомал ва митохондриял оксидланишга хитозан ҳосилаларининг таъсири ($M\pm m$)

Гуруҳ	Микросомалар				
	Р-450, нмоль/мг	b ₅ , нмоль/мг	НАДФН- цит.с-ред. нмоль/мин/мг	АН, нмольНСНО/м ин/мг	АГ, нмольаминофе н/мин/мг
Интакт	0,985±0,030	0,593±0,021	94,4±8,48	7,0±0,492	1,09±0,06
МС	0,703±0,024*	0,491±0,004*	38,0±2,94*	3,6±0,28*	0,51±0,026*
МС+хитозан сульфат	0,775±0,033*	0,484±0,024*	49,6±3,27*	4,4±0,30* ^Δ	0,57±0,024*
МС+хитозан сульфат нано	0,84±0,026* ^Δ	0,518±0,019*	53,8±2,48* ^Δ ^ο	5,5±0,177* ^Δ ^ο	0,67±0,034* ^Δ ^ο
МС+глюкоф аж	0,706±0,032*	0,497±0,021*	45,7±1,76*	3,6±0,28*	0,54±0,032*
Гуруҳ	Митохондриялар				
	МАО, нмоль/мин/мг	СДГ, нмоль/мин/мг	СЦС-ред., нмоль/мин/мг	РСБ-цит.С- ред., нмоль/мин/мг	ЦХО, нмольО ₂ /мин/ мг
Интакт	23,0±0,09	127,8±4,144	120,2±3,35	55,1±2,0	120,3±2,63
МС	38,6±1,34*	85,7±1,53*	69,3±2,3*	30,7±1,39*	190,2±8,49*
МС+хитозан сульфат	35,1±1,41*	97,2±3,70*	89,6±3,48* ^Δ	40,2±1,67*	150,4±7,54* ^Δ
МС+хитозан сульфат нано	28,5±1,47* ^Δ ^ο	116,2±2,54* ^Δ ^ο	103,8±4,60* ^Δ ^ο	46,8±1,84* ^Δ ^ο	133,6±6,25* ^Δ ^ο
МС+глюкоф аж	37,2±1,32*	90,7±3,37*	70,5±4,23*	33,8±1,44*	188,3±9,83*

Изох: * - фарқлар интакт гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - $P<0,05$), ^Δ - фарқлар МС гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^Δ - $P<0,05$), ^ο - фарқлар МС+хитозан

сульфат гурухи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли ($^{\circ}$ - $P < 0,05$)

